

(Боши 1-бетда)

соти ўз фанига тааллуқли қўлланмалардан иборат. Дарвоқе, устозларнинг ўзи ҳам ўқувчиларга «ўрнак» бўлиб, бу йил кутубхонага умуман яқин йўлашмаган. Китобларга назар соламиз. Бундан 10—15 йил олдин чоп этилган бадиий нашрлар. Ҳатто, жуда чиройли, рангли қилиб ишланган «СССР тарихи» дарслиги савлат тўкиб турибди.

— Бу нима қилиб адашиб юрибди, нега олиб ташламадингиз, — дея Оксана Дьяченкодан сўрадик.

— Ўқувчилар фойдаланишяпти, — дея мужмал жавоб берди мудира.

Унинг бу жавобидан бизда иштибоҳ пайдо бўлдики, наҳот мактабнинг тарих муаллимлари «Ўзбекистон халқлари тарихи» қўлланмаси, «Ўзбекистон тарихи» дарслиги яратилганлиги, «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» бўйича амалий ишлаш мумкинлигини билишмаса...

КАБИНЕТЛАРИДАН ТАШҚАРИГА ЧИҚИШМАЙДИМИ?

Тасвирий санъат инсон шуурига жуда тез таъсир этувчи санъат турларидан. Шу боис, «Қизил империя» мазкур санъатдан тарғибот учун обдон фойдаланди. Ҳаммаёқ улкан-улкан плакатлар билан тўла бўларди. Мақсад: авомнинг онгига ўз ғояларини чуқурроқ сингдириш эди.

Янгиер шаҳридаги 6-ўрта мактаб остонасига қадам қўйдигу, «ёппирай» дея ёқамизни ушладик. Мактаб биносининг ташқи деворига ишланган катта девор-сурат(панно)да Кремль ва унинг бешқирра юлдузи нур сочиб турибди. Қарангки, мактаб йўл бўйида, яна бунинг устига, шаҳар ҳокимияти биносидан (ҳозир бошқа ёққа кўчишибди) қўл узатса етгулик масофада жойлашган. Шу пайтгача шаҳар акобирларининг мазкур сувратга кўзлари тушмаган деб айтиш кулгили. Ёки улар ўз кабинетларидан ташқари чиқишмайдими?!

Ҳафсаламиз пир бўлиб, 2-ўрта мактабга ўтдик. Мазкур мактаб кутубхонасида 4 мингта бадиий китоб бор экан. 1990 йилдан буён умуман китоб олинмаган. Ўқувчиларнинг китобхонлиги жуда паст. Ушбу ўқув йилида юқори синф ўқувчилари умуман кутубхона остонасини ҳатлаб ўтишмаган. Мактабдаги 40 та муаллимнинг 30 таси кутубхонага аъзо. Ўқувчиларни жалб этиш учун нима ишлар қиляпсиз, деб кутубхона мудираси Ҳадича Аллабердиевадан сўраганимизда у киши мактаб миқёсида ўтказилган икки-уч тадбирни санашдан нарига ўтолмади.

ТАДБИР АФЗАЛМИ ЁКИ КИТОБ?

Сирдарё вилояти бўйича мактаб кутубхоналари учун қарийбки беш йилдан буён бадиий китоб олинмаган. Биз халқ таълими бошқармаси бошлиғининг молия ишлари бўйича ўринбосаридан аниқлик киритиб беришни

# МАЪНАВИЯТГА ЭЛТУВЧИ ЭШИК

сўрадик. Уринбосарнинг айтишича, маҳаллий бюджетнинг «бошқа харажатлар» бандида бадиий китоблар олиш ҳам назарда тутилган. Ажратиладиган 200-300 минг сўм тадбирлардан ортмаяпти.

Қизиқ. Тадбирлардан кўра (албатта, бу ҳам керак) бир дона бадиий китоб ўқувчига кўпроқ фойда келтирмайдими?

Ушбу муаммо бўйича қандай чоралар кўрилаётгани ҳақида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Сайфиддин Худойбердиевдан сўрадик:

— Аввало, ўқувчиларнинг уйларидаги ортиқча китобларини олиб келтириш билан ҳал этишга уриняпмиз. Яна макулатура топшириб, ўшанинг пулига китоб сотиб оляпмиз. Бироқ бу жуда оз...

ЎХШАШ МАНЗАРАЛАР

Жиззах вилояти мактаблари кутубхоналарида ҳар тугул озми-кўпми ҳар йили бадиий китоб олиняпти экан. Жиззах шаҳридаги 6-ўрта мактаб кутубхонасидамиз. Кутубхона анча ораста. Бироқ, ички манзара худди юқоридагидек 75 нафар муаллимдан 30 нафаригина кутубхонага аъзо. Ўқувчиларнинг китобхонлиги паст. Совет даврида яратилган, ўша тузумни мадҳ этувчи асарлар ҳали ҳам бор. Собиқ доҳий «ўз вақтида ёзилган китоб» дея таърифлаган Горькийнинг «Она» романи, Фадеевнинг «Ёш гвардия», Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асарлари баъзи ўзбек ёзувчиларининг собиқий шўро даврини мадҳ этган китоблари... саф тортиб турибди. Қизиғи шундаки, бизга ҳамроҳлик қилган шаҳар халқ таълими бўлимининг кутубхоналар бўйича услубчиси Маъмура Раҳимованинг ўзи қандай китоблар жоиз, қайсилари ножоизлигини билмайди.

Пахтакор туманидаги А. Қодирий номидаги 9-ўрта мактаб кутубхонасининг аҳволи анча аянчли. Бу ердаги мавжуд 2 мингга яқин китобдан бор-йўғи 180 (?) тасигина ўзбекча. Қолганлари рус тилида. Сабабини сўрасак, бу ер олдин рус мактаби бўлган эди, дея важ кўрсатишди. Мактаб ўқитувчилари умуман бадиий китоб олишмаган. Китобхон ўқувчилар ҳам оз. Нега бундай, дея суриштирсак, мавжуд китобларнинг ҳаммасини ўқиб бўлишган, дейишди. Ўзбекча китобларнинг сонини кўпайтириш ҳақида эса индашмади.

* * *

Мана, икки вилоят мактабларидаги айрим кутубхоналар аҳволи билан қисман танишдингиз. Аввало, юртимиз келажаги бўлмиш маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда мактаб кутубхонасининг ролини мутасаддилар чуқур тушуниб етишмаган кўринади. Акс ҳолда, юқоридагидек манзараларга дуч келмасдик.

Ушбулардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Биринчидан, кутубхоначилар ишини тубдан ўзгартириш керак. Улар ҳануз ўтириб олиб, келган ўқувчига китоб беришдан нарига ўтишолмаяпти. Болага мажбуран китоб ўқитиб бўлмайди. Уни ўқишга қизиқтириш керак. Бунинг учун эса кутубхоначининг ўзи том маънода саводли, руҳшунос бўлмоғи лозим. Токи, ўқувчи қалбида китобга муҳаббат уйғота билсин. Китобхонлар конференцияси, яна қандайдир тадбирлар билан бунга эришиб бўлмайди. Ўзга йўлларни излаб топиш керак.

Мактаб кутубхоналарида асл мутахассис, кутубхонашунослар йўқ ҳисоби. Уларнинг аксарияти ўрта маълумотли ёки мактабни эндигина битириб чиққан қизлардан иборат. Бу ҳам ниш уриб турган муаммолардан ҳисобланади.

Давр эврилди. Мафкура, қарашлар ўзгарди. Тафаккуримиз йил сайин тиниқиб боряпти. Бугунги кунда эса мактаб кутубхоналари асосан 60—70-йилларда нашр этилган китоблардан иборат. Демак, бу китобларни ўқиган ўқувчининг савияси ўша даврлар савияси даражасида шаклланади. Шу боис, муаммолардан яна бири, кутубхоналарни бугунги замон нафаси билан йўғрилган китоблар билан тўлдириш керак.

Демак, бугунги куннинг вазифаси кутубхоналар аҳволини тубдан яхшилаш бўлиб турибди. Кўриниб турибдики, имкон бор. Фақатгина бу имконни пича такомиллаштириб, йўлга солиб юбориш керак.

Бойлик кишини ўзига оҳанграбо каби тортгандай, бой кутубхона ҳам ўқувчиларни ўзига жалб этади. Бунинг учун кутубхоначилару мактаб мутасаддиларининг ҳам саъй-ҳаракатлари лозим бўлади. Шундагина ёшларни китоблар оламига олиб киришга эришамиз. Бунинг амалга ошиши эса комиллик сари қўйиладиган муҳим қадам бўлади.

**Асқар ШОКИР,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

*Муштарийдан мактуб*

## *«БАЛКИ НИЯТИМДАН ВОЗ КЕЧИБ ЮБОРАРМАН...»*

Ассалому алайкум, ҳурматли «Маърифат» газетаси муҳарририяти. Мен сизларнинг газеталарингизни жуда севиб ўқийман. Айниқса, Амир Темур ҳақидаги мақолалар, мактаблар ҳаётидан лавҳалар, «Иқтисод сабоқлари» нафақат менга, балки бутун Узбекистон муаллимларига ҳам манзур бўлиши, шубҳасиздир.

Яқинда вилоятимиз ҳокими Алишер Мардиев томонидан кутубхоналарни, китоб дўконларини маҳоратли, китобни севувчи кишилар билан таъминлаш ва маданиятни ривожлантириш ҳақида қарор чиқарилди. Лекин ҳозир китоб дўконларида китоб билан умуман қизиқмайдиган, бутун ўйу фикрини пул топиш қамраб олган кишилар ишлашади. Баъзи кутубхоналарда эса китобхонларнинг талабини қондирмайдиган бирон киши (бор китобни) сўраса ҳам, (ахтаришга эринишадими) йўқ деб жавоб берадиган кишилар ишлашади. Шундан осони ҳам йўқда! Ахир, бу аҳволда маданият қандай ривожлансин. Ҳаттоки маданият ходимлари тайёрлайдиган ўқув юрти бўлмаса! Тошкентга бориб ўқиш эса ҳаммага ҳам тўғри келавермайди. Қизларни ота-оналар мусофирчилик деб юборишмайди.

Маданият ходими бўлиш нияти бор қиз (йигит) эса ноилож бу ниятидан воз кечишга мажбур бўлади. Ахир, нима ҳам қилсин. Узи яшайдиган вилоятда маданият техникуми ҳам бўлмаса. Мен хоҳлардимки, ҳар бир вилоятда (ҳеч бўлмаганда Самарқандда) маданият институтининг филиали, жуда бўлмаса, техникуми ташкил этилса. Токи ҳозирги ёшлар маданият излаб Тошкентдек шаҳри азимга бориб юрмаса. Мен ўзим 11-синф ўқувчисиман. Келажакда маданият ходими бўлиш ниятим бор. Бирор жойда ўқий олмасам, билмадим, балки мен ҳам бу ниятимдан воз кечиб юборарман...

**Башорат ҲАМИДОВА,**
**Паст Дарғом тумани**
**Саид Бекмуродов жамоа хўжалиги.**

***ТАҲРИРИЯТДАН:*** *Масала, аввало, юртбошимиз томонидан кўтарилганлигини матбуот орқали ҳамма кўрди, эшитди, ўқиди. Бу танқид Бухорода айтилган бўлса-да, бошқа вилоятлар дарров хулоса чиқариб олиши керак эди? Қолаверса, Халқ таълими вазирлиги кутубхоналар, шиорлар бўйича махсус кўрсатма ишлаб чиқиб, вилоятларга жўнатган бўлса. Турли йиғинларда такрор-такрор айтилаётган бўлса... Бефарқ маҳаллий раҳбарларга жиддий чора кўриш вақти келмадими?*

*Мақолада кўтарилган муаммонинг давлат миқёсида ҳал этиладиган жиҳатлари ҳам бор. Буни вилоятлар ХТБларининг ўзидагина ҳал этиб бўлмайди. Маънавиятга эътиборни, унинг давлат миқёсидаги аҳамиятини эътиборга олиб, китоб (бадиий, ҳужжатли, дарслик ва ҳоказо)ларга маблағ мақсадли ажратилса. Ахир қанчадан-қанча маънавият асоси бўла оладиган боболаримиз мерослари, мустақиллик ғоясини тарғиб қиладиган асарлар чоп этилди, бу хайрли ишлар давом этмоқда.*

# ДАВЛАТ УЧУН АҲАМИЯТЛИ

*Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошчилигида қора ва рангли металл парчаларини тайёрлаш ва топширишни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тузилди.*

*Бошқа вазирлик ва ташкилотлар қаторида Халқ таълими вазирлиги ҳам бу борадаги жорий йилги ишни режалаштирди. Шу билан бирга ўтган йилги натижаларни таҳлил этди. Умуман олганда металл йиғиш бўйича давлат буюртмаси вазирлик бўйича 108,4 фоизга бажарилган. Йиллик топшириқни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоят ХТБлари, Тошкент шаҳар ХТББ, Жиззах, Ангрен, Қўқон, Нукус давлат педагогика институтлари, Асака, Бўз, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Чуст, Косонсой, Беруний номли, Каттақўрғон, Термиз, Ангор, Денов, Ангрен, Марғилон, Хива, Бекобод, Тошкент (1ва 2), Ражабий номли, Навоий, Нукус, Хўжайли, Беруний, Чимбой педагогика билим юртлари, шунингдек, вилоятлар Таълимтаъминот корхоналари ва бошқа ташкилотлар бажарганлиги эътироф этилди.*

*Халқ таълими вазирининг буйруғи билан янги 1997 йилда қора ва рангли металл парчаларини йиғиб, давлатга топшириш ишларини назорат қилиб бориш учун штаб тузилди. Штаб бошлиғи этиб вазир ўринбосари Муртазо Султонов тайинланди. Шунингдек, жойларда ҳам топшириқ ижросини назорат қилиш учун штаблар тузилиши айтилди.*

*Бу борада вазирликда махсус йиғилиш ўтказилиб, вазифалар белгилаб олинди. Йиғилишни штаб раиси Муртазо Султонов олиб борди.*

*Табиийки, металнинг давлатимиз ишлаб чиқариши учун аҳамияти беқиёс. Шу боис бу масалани ҳар бир халқ таълими ходими тўғри англаб, керакли хулоса чиқариб олади деган умиддамиз.*

**Мухбиримиз.**

*Муаллим, жамият ва биз*

# МАМНУНЛИК ҲИСОБОТ СЎРАМАЙДИ

**(Очерк)**

Эл-юртга беминнат хизмат қилиш учун, албатта, депутат ёки бошлиқ бўлиб сайланиш шартми? Ноиб ёки саркор этиб расман сайлашмаса — унда элнинг, она-юртинг хизматига бел боғлаб туришинг тақозо этилмайдими?! Камсуқум одамлар ўз иймон-эътиқодларидан келиб чиқиб, савоб юмушларни қойилмақом бажариб юришади-ю, аммо бу ҳақда лом-мим дейишмайди, одамлар бу хусусда ҳар замон давраларда гўёки шундай бўлиши керакдай тил учида гапириб ўтишади. Албатта, эзгулик мақтовга муҳтож эмас, агар у муҳтож бўлиб қолса, эзгуликнинг номи ўзгаради, мазмуни ўз-ўзидан сийқалашиб, йўқолиб кетади.

Элга дастёр бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаса керак. Аммо дастёрликка дахлдор инсонлар ҳамиша эл-юрт ардоғида бўлиб, қадр-қиммат топишади. Биз ҳикоя қилаётган киши ҳам эл дастёри бўлиб қадр топаётганлар тоифасига киради. Исми-шарифи — Муродилла Очилов, Қашқадарё вилояти Китоб туманининг Хўжаиспароз қишлоғида истиқомат қилади. Қишлоқ зиёлиси, бошланғич таълим устаси. Қурали, Қорамерган, Нимча қишлоқларидан чиққан олий маълумотли мутахассисларнинг ярми илк бор ундан ҳарф ўрганиб, тили бурро бўлган. Шу боис кўпчилик ёшлар уни устоз деб билишади, ҳамон устозга «муаллим» дея мурожаат этишади. Устоз-муаллим Нурали қишлоғидаги ўрта мактабда узоқ вақт — 20 йил давомида илмий бўлим мудири бўлиб ишлади. Бу орада Муродилла ака кўплаб ёш ўқитувчиларга мураббийлик қилишга ҳам улгурди.

Қишлоқда ҳозир ҳам оқил муаллимларнинг обрў-эътибори баланд: ёшу қари бирор-бир мушкулот туғилиб қолганда, устоз муаллимларнинг олдидан бирров ўтишади. Илгари хўжалик раиси ёки директорига бориб йўлиқишар эди. Энди улар йўқ. Борлари ҳам ўз вақтларини тижорат ва даромадга сарфлашади: фойда келтирмайдиган ишларга бош қотиришни исташмайди. Бу йил эллик беш ёшни қоралаган Муродилла ака эса ундайлардан эмас. Инсоннинг кўнглини нозик фаҳм этади. Шу боис ортиқча гап-сўзларга ўрин бермай, қишлоқ аҳлининг ҳожатини чиқазиш ҳақида ўйлайди: хонадонга газ керакми, водопровод суви ўтказиш шартми, ариққа кўприк қуриш лозимми, автобус қатновини йўлга қўйиш зарурми — барини ими-жимида битиради гоҳи кўпчиликнинг маслаҳати билан, гоҳи ўз идрок, саъй-ҳаракатини ишга солиб, Шамсиддин кулол қабристонини ободонлаштириш, Амир Темур номидаги янги мактаб биносини ҳашар йўли билан бунёд этиш Муродилла аканинг ташаббуси билан амалга оширилди. Тўю маъракалар ҳақида айтмай қўя қолай: ҳар бир тўй-шодиёна, ҳар бир маъракa ихчам ва тежамкор ўтмоқда. Замона зайли буюрганидек, эл-юртнинг тутуми кўнгилдагидек ўтиб, осойишталик оройиш топмоқда.

Қишлоқнинг муаммолари кўп. Уларни оқилона ечиш учун ҳар бир қишлоқ, ҳар бир гўша ўз оқсоқолига, ўз бошқарувчисига эга бўлиши керак. Ҳамқишлоқлар бир оғиздан Муродилла акани Хўжаиспароз қишлоғига оқсоқол этиб сайлашди. Муродилла ака оқсоқол бўлиб сайлангунга қадар ҳам зиёли сифатида элга маслаҳатгўй эди. Шунинг учун оқсоқол бўлиб сайланиши унинг феълида ҳеч нарсани ўзгартирмади — у аввалгидай қишлоқ ташвишларини гарданидан туширмади. Фақатгина қалбида масъулият юки қаттиқроқ ўрнашганини сезди. «Соғлом авлод учун» шиори ўртага ташланганда, биринчи навбатда қишлоқда табобат бўлими очиш зарурлигини тушунди. Ахир, Хўжаиспарозда бир неча минг кишилик аҳоли истиқомат қилади, қачонгача, одамлар шифо истаб, туман марказига қатнашади?

Тез орада қишлоқдаги кўркам бинолардан бирида табобат бўлими иш бошлаб, ёшу қарига тажрибали шифокорлар хизмат кўрсата бошлашди.

Муродилла ака Ўзбекистоннинг қарийб ҳар бир туман ва қишлоқларида бўлган. Фарғона водийсидаги деҳқончилик маданиятига кўпдан қойил қолиб юрарди. У синчковлик билан ер ва томорқадан фойдаланиш омилларини ўрганди. Тошкентликларнинг ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, йилда бир неча бор ҳосил ундиришини, мўъжаз иссиқхоналар барпо этишганини кузатди. Республика жанубида жойлашган қишлоқларда кўплаб ер майдонлари, шахсий томорқаларда парча-парча унумли ерлар фойдаланилмасдан, ташландиқ ҳолда ётганлиги устида бош қотирди. Ўз қишлоғида ҳам деҳқончилик маданиятини юксалтириш иштиёқи уйғонди.

Қишлоқдаги ҳар бир томорқа турида қарийб бир сотих ерга ғўзапоя бостирмаси қилинган, дарвоза олдидаги лахтак-лахтак ерлар бўш ётибди... Оқсоқол-муаллим хонадон соҳиблари билан бирма-бир суҳбатлашиб, бўш ётган ерларга турли-туман кўкатлар, зираворлар экиб, рўзғорда фойдаланишни маслаҳат берди. Йўл-йўриқ кўрсатди. Натижада ҳар бир ҳовли, ҳар бир томорқада рўзғор учун етарлича кўкат ва зираворлар етиштириладиган бўлди, арзимаган нарса учун туман марказидаги бозорга қатнамайдиган бўлишди.

Оқсоқол-муаллим қишлоқда миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш ишларига ҳам раҳнамолик қилди. Унинг бошчилигида Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, кексаларнинг пайғамбар ёши тўйлари, турли-туман халқ расм-русумлари катта шодиёна ва иштиёқ билан ўтказиладиган бўлди. Ҳар йили байрамлар арафасида ҳашар ўтказилиб, қишлоқ кўчалари ва йўллар тартибга солинмоқда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари мунтазам амалга оширилмоқда. Бугунги Хўжаиспароз қишлоғи ўз кўрки билан Фарғонадаги энг гўзал қишлоқларга тенглаша олади.

Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлни имон-эътиқодли ўзбек оилаларига ҳам татбиқ этса бўлади. Тарбия — бешикдан, таълим — остонадан бошланади. Муродилла ака Очилов хонадони тимсолида ҳам юқоридаги нақллар нақадар тўғрилигини кўриш мумкин. Бу оила — пиру бадавлат хонадонлардан бири. Оилада 7 фарзанд — 2 ўғил ва 5 қиз оқилу комил бўлиб вояга етди. Муродилла ака ва Муҳаббат опанинг фарзандлари — Мунира, Насиба, Ҳакима, Мавлуда, Асадулла ва Исматуллалар ҳам олий маълумот олиб, эл хизматига бел боғлаб туришибди. Кенжа қизлари — Аҳлия қишлоқдаги эъзозли билим маскани — Яссавий номли ўрта мактабнинг 9-синфида «аъло» баҳоларда ўқимоқда. Фарзандларнинг беш нафари ота касби — муаллимликни танлашган. Шунинг ўзи ҳам юқорида айтиб ўтилганларни исбот этади.

Чайир жуссали, серҳаракат оқсоқол-муаллим ҳеч тиниб-тинчимайди. Мактабда ёш авлодга пухта таълим беришни уютириш, ёш ўқитувчиларга услубият бўйича маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатиш билан бирга ўз қишлоғи аҳлига бош-қош бўлмоқда.

... Кўркам ва файзли қишлоқ хонадони. Бу хонадон эгалари — Муродилла ака ва униг умр йўлдоши Муҳаббат опалар ўз фарзандлари даврасида хушҳол ўтиришибди. Рўзғорда ҳамма нарса етарли, нолийдиган жойи йўқ. Аммо айрим ночор хонадонларнинг аҳволидан хабар олиш керак! Муродилла аканинг нигоҳи ойнаи жаҳонда бўлса-да, хаёли кечаги ёмғирда пахса девори қулаб тушган бева аёлга ёрдам уютириш ташвиши билан банд. Телевизорда сўзлаётган депутат ҳисоб беряпти. Бу — яхши, албатта. Қизиқ, қишлоқ оқсоқоллари ҳам ҳисоб беришармикин?! Унда оқсоқол-муаллим Муродилла Очилов қачон ҳисоб беради?! Қишлоқ аҳли бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрмади. Негаки, одамлар оқсоқолнинг фаолиятидан мамнун. Мамнунлик эса ҳисобот сўрамайди.

**Акром АМИНОВ,**
**Абдулла АВЛОНИЙ мукофоти совриндори.**

# БОШЛАНҒИЧ МАРРА

Муаллим астойдил хоҳласа, ҳеч кимнинг заррача умиди қолмаган лаёқатсиз болани ҳам энг етук мутахассис даражасига олиб чиқиб қўйиши мумкин. Яқинда Бувайда туманида бўлиб ўтган бошланғич синф ўқитувчиларининг амалий конференцияси бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлади. Туман халқ таълими бўлими услубчиси А. Туйчиев конференция давомида бу йилги билим сифатини ўтган ўқув йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаб, сезиларли силжишларга эришилганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, конференцияда ҳуснихат кўрик-танловида ғолиб чиққан (Парпиева Н. — 38-мактаб, 2-ўрин), (Имомалиева И. — 18-мактаб, 3-ўрин)ларга 1-2 ойлик иш ҳақи миқдорида, кўргазмали қуроллар кўрик-танлови ғолибларига эса 500-1500 сўм миқдорида пул мукофотлари ажратилди.

Аслида булар ҳам ҳаммаси эмас. Анжуманда Бувайда мактабларида ташкил этилган болалар фольклор-этнографик дасталари мароқли концерт номерларини намойиш этишдики, йиғилганлар назарида бу шунчаки бир тадбир эмас, гўё бир байрам мисол бўлди. Бу ҳам мактабларда таълим бераётган муаллимларнинг яна бир янгича интилишлари самараси деса бўлади.

Конференция сўнгида туман халқ таълими бўлими мудири Оминахон Алиева сўзга чиқди.

**Хайрулла ТУРҒУНБОЙ,**
**Бувайда тумани халқ таълими бўлими услубчиси.**

*Ҳаётий қатралар*

# ҚАЛБИМДА ДОИМО ТАКРОР НИЯТИМ



* Раҳматли отамнинг бир ўгитлари ҳаётимнинг шиори бўлиб қолган: «Амалга эришсанг асло қувонма, ундан тушсанг ҳеч хафа бўлма».

* Дилимда доимо илтижо билан такрорлайдиган ниятим бор:

«Илоҳим ҳақни ноҳақ этмагил».

* Мансаб эмас, балки шу мансабни қандай одам эгаллаб турганлигининг аҳамияти каттадир.

* Дилида шум ният сақлаб, тилида ялтироқ сўз изҳор этган кимсани шакарга заҳар аралаштириб берувчи ёвузга ўхшатаман.

* Порахўрга ташхис қўйишибди:

— Бу бемор ўз ёнидан харж қилмаслик касалига мубтало бўлган.

* Хўжасига доимо қаддини букиб бир амаллаб курсисини ушлаб ўтирган нодондан, қаддини букиб юк ташувчи доно ҳаммол бўлган яхшироқ.

* Эзма, ланж кимсанинг бемақсад кўрсатмасини тинглаб вақт ўтказгандан, далада қаттиқ ерни юмшатган фойдали.

* Ақл инсонни бадавлат қилди, амал тахтига ўтқазди, аммо фаросатсизлиги уни барбод этди.

* Ўзбекларнинг одати, феъли, удуми ажабтовур. Бир кампир жазирама иссиқда тинкаси қуриб, қаҳратон изғиринда совуқ қотиб, кўча четида қурт, писта сотиб тийинлаб йиғди ва сўмлаб сарфлаб элга неварасига тўй берди.

* Ҳар касб эгасининг бир нияти бор. Ёзувчи яхши асар ёзишни, қассоб семиз мол сўйишни, сахий зиёфат беришни орзу қилади. Шулар қаторида аблаҳнинг нияти ҳам йўқ эмас.

* Амалпараст бамисоли қутурган олов. Ўз мақсадини рўёбга чиқариш учун ҳўл ва қуруқни баробар ёндиради.

* Қўй семиришга ҳаракат қилади, аммо бу интилиш ким учун фойда бўлишини билармикан?

* Қадаҳ сўзи қадаҳдаги ичимлик каби омонат, ишончсиздир.

* Қўшиқни, шеъриятни, мусиқани севган қалбнинг қаттиқлигига ишонмайман.

* Раҳматли Тошпўлатқори ҳожи бобомнинг сўзлаган бир ҳикмати ёдимда қолган: «Инсон ўзининг иймон-эътиқодини ҳижобга ўраниб ёхуд соқол ўстириб ташқи кўринишда билдирмай, балки дилида пок сақлагани маъқул».

* Устоз шогирдига кетказган меҳнатини миннат қилмайди, аммо ундан дили ранжиса ота ўғлини оқ қилгандан ҳам ёмон.

* Айрим бошлиқлар қаттиққўл бўламан деб, зулмкор, қасоскор бўлиб қолганларини билмай қоладилар.

* Тўғри сўзли Ислом ота шундай деган эдилар:

«Уч хил тоифали номозхон кишилар бўлиб, улар мачитга турли мақсад билан борадилар:

биринчиси, фақат тангрини дилига жо қилиб ибодат қилиш учун;

иккинчиси, одамлар кўзига кўриниш ва воқеалардан воқиф бўлиш учун;

учинчиси, қилган гуноҳларини ювиш учун».

* Денгизнинг мағрурлиги ва қуввати унинг бетиним қуйилиб турувчи ирмоқларидандир.

* Тиғнинг зарбидан жароҳат олиб омон қолди, лекин ноҳақ сўз зарбига юраги дош беролмади.

* Амалдор ва бадавлат бўлиш, бу бахтли бўлиш дегани эмас.

* Ҳаётда энг даҳшатли ҳодиса ўзинг тарбиялаган фарзандларинг ва камол топтирган шогирдларингга муҳтож бўлиш.

* Чин дўстнинг фойдали аччиқ сўзи оқибат ширindir, зеро, танага малҳам берувчи дори ҳам аччиқдир.

* Фақат галстук тақиш билан маданиятли бўлиш мумкин эмас.

* Яхши хонанда қўшиғи гўё райҳонга ўхшайди, ҳар бир тебранишида янги, ўзгача бўй таратади.

* Шундай бир касб борки, қандай оғир шароит бўлмасин ундан воз кечиб бўлмайди. Бу ўқитувчилик касбидир.

* Муаллимлик касби бамисоли булоққа ўхшайди, чунки унинг нияти фақат ўзгалар ташналигини қондириш.

* Энг кўп дўстга эга инсон — бу ўқитувчи-устоздир.

* Айрим инсонлар шуҳрат тепалигига фақат суянчиғи бор пиллапоядан чиқадилар.

* Инсон бахтини турли тасодиф ва шодликларга қиёс этадилар. Менимча, бахтнинг калити тинчлик, танисиҳатлик, хотиржамликда бўлса керак.

* Узукка кўз қўйиш деган ташбеҳнинг маъноси нима? Бу кишининг бахтомади, истеъдоди, лавозими унинг инсонийлиги билан уйғунлашганлигидадир.

**Шукур ДАДАШ.**

**Э Ъ Л О Н**

**Ҳурматли халқ таълими ходимлари!**

*Биз Сиз азизларга яна-да кенгроқ хизмат кўрсатиш учун бел боғладик. Эълонларингиз ва табрикларингизни газетада арзон баҳоларда чоп этиб боришга киришдик.*

*Барча эълон ва табриклар мактаб ёки муассаса муҳри билан тасдиқланган тавсиянома асосида қабул қилинади.*

**«Маърифат» билан боғланинг!**

*Унутманг, мамлакатимизнинг барча нуқталарига етиб борадиган, республикада энг кўп нусхада нашр этиладиган «Маърифат» — Сизнинг ўз газетангиз ва ҳамроҳингиздир!*

*Табрик матни 25-30 сўздан ошмаслиги, сурат эса 4х6 ҳажмда бўлиши керак.*

**Суратли табриклар 1000 сўм, суратсиз табрик 500 сўм.**

*Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*

*«МАЪРИФАТ» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ.*

*Мактабгача тарбия муассасаларида*

## «БОЙЧЕЧАК»НИНГ ИБРАТИ НИМАДА?

### УСЛУБЧИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

«Бойчечак» болалар боғчасининг таърифини эшитганимга ҳам бир йилдан ошганди. Тақдир тақозоси билан қачон ана шу юртга борсам, албатта, «Бойчечак»ка бир кириб ўтаман, деб ният қилиб қўйгандим. Фикримни Қамаши туман халқ таълими бўлими мудирига айтгандим.

— Майли, «Бойчечак» десангиз, «Бойчечак»да,— деди,Хайрулла ака Абдулазизов. — Жуда яхши боғча. «Бойчечак»дан кўнглимиз тўқ, бизни уялтирмайди...

Боғча остонасида бизни боғча мудираси Зарҳол опа Ҳушвақтова қарши олдилар. Шу ернинг ўзидаёқ мақсадимизни айтдик. Зарҳол опа услубчи Райҳон Эрназаровани чақиртирдилар. Ҳаммамиз биргаликда хоналарни айланиб, «Бойчечак»да амалга оширилган ибратли ишларни кўздан кечирдик. Мавжуд 9 гуруҳда тарбияланаётган 170 нафар кичкинтойларга ўйнаш у дам олишдан тортиб ейишичишгача бўлган қулай шарт-шароитлар яратилган. Хона ва залларни айтмайсизми? Улар дид билан шунчалар ораста қилиб безатилганки, бирор ортиқча ёки кам нарса кўрмайсиз.

— Буларнинг аксарияти услубчимиз Райҳон Эрназарованинг ижодкор қўлларида яратилган, — деди боғча мудираси. — Услубчидан ёлчиганмиз. Қўллари гул — ёзадиям, чизадиям, тикадиям. Бунинг устига қўшиқ ҳам айтади, болалар билан қўшилиб улардек шўх рақсга ҳам тушади... Қани энди, ҳамма боғчаларда ҳам ана шундай услубчилар бўлса...

### ТАБИАТ — ЯШИЛ БЕЛАНЧАГИМИЗ

Она-табиатимизни асрабавайлаш, жонажон юртимизнинг, қолаверса, ҳар бир тошини ҳам эъзозлаш биз фарзандларнинг муқаддас бурчимиздир. Бу тушунчаларни боғча ёшидаёқ болаларга англатиш ўта муҳим.

«Бойчечак»да она-табиатимизга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уни доимий муҳофаза қилиб бориш тарбиясига катта эътибор берилганини кўриб беҳад хурсанд бўлдик. Ҳар бир гуруҳ хонасида «Табиат — яшил беланчагимиз» деб номланган бири-биридан гўзал бурчаклар ташкил этилган. Бурчакларда жонажон Ўзбекистонимиз яшил бойликларига, минг турфа жонли ва жонсиз мавжудотларига кенг ўрин берилган. Ушбу бурчаклардан ўрин олган «Сенинг бурчинг!» деб номланган стендда кичкинтойларнинг юртимиз табиати муҳофазасига қўшадиган ҳиссалари қайд этилган. «Бойчечак»да олиб борилаётган «Экология тарбияси» иши ҳатто Қашқадарё вилоятидаги кўплаб болалар боғчаларида бекордан бекорга ўрганилмаётганига иқрор бўлдик ва «Бойчечак»нинг яшил беланчаги» соҳибларига офаринлар айтдик.

### ҲОМИЙЛАРГА БАЛЛИ, ДЕЙМИЗ

Халқимиз азал-азалдан боласевар халқ. Биз ўзбеклардаги болаларга ҳиммат кўрсатиш фазилати узоқ бобокалонларимиз қонидан ўтиб келаётир. Халқимиздаги бу улуғ фазилат истиқлол шарофати билан янада оммавий тус олаётганига «Бойчечак»да бўлган кунимизда яна бир бор иқрор бўлдик.

Бозор иқтисодига ўтиш деб номланувчи ўткинчи тақчиллик даври ҳисобланмиш айни кунларимизда ҳам қамашилик раҳбарлар у қўли очиқ ишбилармонлар топган бир сўм пулларнинг ярмини хайрли ишларга сарфлаётган эканлар. Ҳотамтой амакиларнинг бундай мурувватларидан «Бойчечак»даги жажжи кичкинтойлар ҳам назардан четда қолганлари йўқ.

Тумандаги дон маҳсулотларини сақлаш корхонаси, қурилиш жиҳозлари комбинати, хўжаликлараро қурилиш идораси, «Гуллола» кичик корхонаси жамоалари «Бойчечак»ка доимий молиявий ёрдам бериб турибдилар. Ана шу жамоалар мурувватi билан «Бойчечак»нинг «Ширинтой» болалар бадиий дастаси чиройли «артистча либос»лар ва чолғу асбоблари билан таъминландилар. Боғча бу йилги мавсумда ана шу ҳомий идоралар кўмагида сифатли таъмирланди, «Инглиз тили» ва «Фитобар» хоналарига янги жиҳозлар олиб келинди. Энг ибратли томонларидан бири яна шу ердаки, юқорида номлари зикр этилган корхоналарнинг доимий ёрдами билан «Бойчечак»да тарбияланаётган кичкинтойлар отаоналарнинг ойлик тўлов сумалари 30 фоизга арзонлаштирилди.

«Бойчечак»да бекаму-кўст тарбияланаётган болалар ўзларига моддий жиҳатдан ёрдам бериб турган сахий ва қўли хайрли амакиларига раҳмат айтишаяпти. Доно халқимизда: «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми», деган ажойиб мақол бор. Иншоолло, ҳомийларнинг ишлари бундан ҳам ўнгидан келсин!

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**

## УМРНИНГ БЕҒУБОР ФАСЛИ

Дунё ичра гўзал бир дунё бўлган болалик хотираси ҳақида гоҳ суюниб, гоҳида эса орзиқиб гапирган яхши. Негаки, боланикнинг сўз билан таърифлаб бўлмас, беғубор, соф ўй-хаёллари, ширинданширин хотиралари бўлади. Ана шундай кечинмалар беихтиёр сизни болалик деб аталмиш сирли оламнинг нурафшон, беғубор сўқмоқларига бошлайди, кун бўйи сизга тинчлик бермайди, қўлингизга қалам тутқазади.

Пойтахтимизнинг Миробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли 60-болалар боғчаси ичкарисига кираверишдаёқ хаёлимдан содда, ўйинқароқ боланикнинг беғубор онлари ўтади. Боғчада шаҳарликларнинг 192 нафарга яқин фарзандлари меҳр оғушида тарбияланишмоқда. Уларга 22 нафар тарбиячи сабоқ беришар экан. Мураббийларнинг ҳар бирида алоҳида истеъдод нишоналарини кўриш мумкин. Шаҳноза Алданазарова жажжиларга расм чизишни, қўшиқ айтишни ўргатаётган бўлса, Салтанат Абдуллаева лойдан ҳар хил миллий ҳунармандчилигимиз намуналарини ясай оладиган тажрибали уста экан.



Бу ерда содда, беғубор боланикнинг шодон кулгу ва қийқириқлари, хархаша ва аразлашлари сизни мафтун этмай қўймайди. Беихтиёр ўзингизнинг катта ёшда эканлигингизни ҳам унутиб, қўшилиб кетганингизни сезмай қоласиз.

Болалар масканида 14 кичик ва катта гуруҳлар мавжуд. Болажонлар бир-биридан ширин, шўх ва бийрон. Мўъжазгина даргоҳда кичкинтойларнинг яйраб ўйнашлари учун барча шароитлар муҳайё. Бундан ташқари бу ерда кичкинтойларнинг инглиз тилини пухта ўрганишлари учун махсус синфлар ташкил қилинган. Шунингдек, болакайларга иқтисод алифбоси ҳам ўргатила бошланди. Яна қўғирчоқ ва стол театри, жажжигина стадион, ҳамма-ҳаммаси улар хизматида.

Яхши биламизки, кичкинтойларнинг рангин дунёсини ўйинчоқларсиз тасаввур этиш жуда ҳам мушкул. Негаки, болалик деб аталмиш сирли оламнинг беғубор дамлари аксарият ҳолда ўйинчоқлари билан бўлган ўйинларида кечади. Шундай экан, уларга турфа хил ўйинчоқлар тортиқ этиб, безавол, қизиқарли ўйинларга имкон яратиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Боғча жамоасига назокатли ва дилбар аёл Муборак опа Жўраева бош-қош. Куйинчак аёл ташаббуси билан янги йил арафасида боғчанинг бир йиллиги тантанали нишонланди. Узоқ-яқиндан меҳмонлар келишди. Хуллас калом, мазкур масканда келажагимизнинг ворислари бўлган кичкинтойлар алоҳида меҳр оғушида тарбияланишмоқда. Бу ишларда боғча мудираси М.Жўраева камарбаста бўляпти.

**Улуғбек АКТАМ ўғли.**

*Хуллас...*

### ОЛИЙ ТОИФАЛИ ЯЛҚОВЛАР

Бундай нуфузга Перу олий ўқув юртларининг бир гуруҳ талабалари мушарраф бўлишди. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, бу ерда қарийб 3 мингга яқин киши 20 йилдан бери курсдан-курсга ўтолмай талаба ҳисобланиб келишмоқда! Улар Перуда амал қилувчи «кўнгли бўш» қонун-қоидалардан фойдаланиб, ҳар йили талабалик ҳужжатларини янгилаб оладилар. Яқинда ҳукумат мавжуд кўнгилсизликларга барҳам бериш учун бир курсда ўқиш муддатини 4 йил билан чеклаб қўйди. Хайрият-е.

### МЕДИНАНИНГ МАҲОРАТИ

Эдгар Медина аслида банк хизматчиси. Бироқ нашр ишларида рекорд ўрнатди. Эдгар ватандоши Габриэл Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» китобини танҳо ўзи эни 3,5 сантиметр келадиган қоғозга кўчириб чиқди. Бу китоб 2891 метр узунликдаги қоғозга жо бўлди. Узун қулоқ миш-мишларга қараганда, баъзи бир «учар» талабалар Мединага «шпаргалкалар» буюртма бериш ниятида чопиб юрганмиш.

### БЎРИ — ТАРВУЗНИНГ ШЎРИ

Ҳа, ишонаверинг, бўри фақатгина қўйларнинг эмас, балки ширин-шакар полиз маҳсулотларининг ҳам қиронини келтирар экан. Устига-устак, бўрилар тарвузларнинг энг катталарини, хўб пишганларини танлар эканки, ҳатто унча-мунча «манман» деган уста деҳқонлар ҳам бу йиртқич «тарвузхўр» олдида мулзам тортиб қолар экан. Тез орада уйларимизда бўри асраш урфга айланиб кетмаса гўрга эди?! Нега, дейсизми? Ахир, мавсум пайти бозорларимизда тўлиб-тошиб кетадиган полиз маҳсулотлари ичидан энгширинини, кимёвий дориларга тўйинмаганларини топишда бўрилардан кўра яхши «мутахассислар» топиш амри-маҳолда.

### ОҚ ХАЛАТЛИ ҚОРА ЮРАК

Екатеринбург томонларда бир врач-терапевт қўлга тушди. Бу шоввоз 1990 йилдан бери кучли таъсир қилувчи қўлбола дорилар тайёрлаб сотар экан. Унинг иш жойи тинтув қилинганда, жуда катта миқдорда наркотик моддаларнинг ўрнини боса оладиган дорилар топилди. Бу оқ халатли, қора юракли врачнинг шахсан ўзи таъкидлашича, бундай кашфиётлар учун унга жазо эмас, мукофот бериш керак экан...

*ана шунақа гаплар*

## ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарий! Аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб, шаклдаги катакларга белгиланган йўналиш бўйича ёзиб, машқни ҳал этинг.

**ЭНИГА:** 5. Таниқли ўзбек геолог олими. 8. Пўстлоғи зиравор ва доривор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 11. Сувни тортиб кетадиган бўшлиқ. 12. Миллий спорт тури. 13. Мусиқа асари. 14. Хоразм вилоятидаги туман. 18. Илм маскани. 20. Форс-тожик мутафаккир шоири, «Шоҳнома» асари муаллифи.

**БЎЙИГА:** 2. Ўзбек халқ мақомларидан бири. 3. Нодир маъдан. 6. Кенг қўлланилаётган замонавий техника воситаси. 7. Заминнинг сайқали, шаҳар. 9. Жанубий Америкадаги давлат пойтахти. 10. Қадимги юнон файласуф олими. 15. Ҳиндистон миллий ҳаракатининг оташин раҳбари, янги ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий таълимот асосчиси. 16. Сайроқи қуш.

**ЁЙЛАР БЎЙИЧА:** 1. Эроннинг жануби-ғарбидаги шаҳар. 4. Қорақалпоқ мумтоз шоири. 17. Мамлакатимизда оммалашаётган спорт ўйини. 19. Кимё саноатида ишлатиладиган рангсиз суюқлик.

Муаммонома қуйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Қозоқ маърифатпарвар шоири — 6, 3, 6, 11.

2. Абдуқодир Бедил ҳикмати:
Инсоннинг қиймати эмас симу зар,
Инсоннинг қиймати 2, 4, 10 ҳам ҳунар.

3. Ўзбек халқ мақолларидан:
Ақл ўлчови — сўз,
Сўз ўлчови — 8, 6, 12, 4.

4. Билимли — 9, 5, 6, 1.
Билимсиз — тўзар.

5. Қадимий узунлик ўлчови — 7, 6, 5.

Энди шаклнинг юқори ва остки қисмларидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда Соҳибқирон Амир Темур ҳикматларидан бири аён бўлади.

**Фозилжон ОРИПОВ.**

**Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курсида 1997 йил 1-28 февралдан навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди. Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари таклиф қилинади:**

**1.** Мактабгача тарбия муассасаларининг мудира ва услубчилари — 1.02.97 — 28.02.97 йилгача.

Қисқа муддатли курслар

**2.** ВЎМОИлари гуруҳ лекторлари, услубчиларини қайта тайёрлаш курси — 3.02.97 — 15.02.97 йилгача.

**3.** Мактабгача тарбия муассасаларининг логопедлари (нутқида камчилиги ва нуқсони бўлган болалар боғчаларининг мутахассислари). 3.02.97 — 15.02.97 йилгача.

**4.** Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича қайта тайёрлаш муаллифлик курсига тингловчилар қабул қилинади — 1.02.97 — 15.02.97 йилгача.

Тошкент давлат тиббиёт институти томонидан 1994 йилда Эргашева Зулфия Мидихатовна номига олий маълумот тўғрисидаги диплом ўрнига берилган 455-рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Ма'рифат**

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-022.Тиражи 46.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6